

**Жиноят кодексининг 60-моддаси талаби нотўғри талқин қилиниб, амнистия акти қўлланмаганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил, Жиноят кодексининг 60, 61-моддалари тартибида 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2013 йил 14 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, И.га тайинланган жазонинг ўташ тури қаттиқ тартибли колониядан умумий тартибли колонияга алмаштирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И. 2011 йил 1 июль куни соат 23.30 ларда "Тико" русумли автомашинасини Жалақудуқ тумани Қатортол ҚФЙ, Тўрачеки маҳалласидан ўтган Андижон-Хонобод йўлининг транспорт катнов қисмида бошқариб кетаётиб, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 3.1, 5.22, 12.1-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, техник жиҳатдан носоз ҳолатдаги фалокат ёруғлик чироқларини ёқиб, тўхтаб турган С.нинг бошқарувидаги "Камаз-5511" русумли автомашинанинг орқа чап қисмига урилиб, тўқнашув содир этиб, йўловчилардан Х. Иминов, Ш.Раҳмутуллаевнинг енгил шикаст олишларига, И.Дадаходжаевнинг ўлимига сабабчи бўлганликда айбдор деб топилган.

И.нинг айби жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан исботланган. Суд томонидан унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Иш материалларига қараганда, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2009 йил 21 декабрдаги ажрими билан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2007 йил 18 декабрдаги ҳукмига кўра, И.га Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми "б" банди, 166-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинланиб, 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актининг 7-а кичик бандига асосан тайинланган жазо учдан бир қисмига қисқартирилган ҳамда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 4 йил 4 ой 6 куни Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

И. мазкур жазони ўташ даврида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган.

Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида, эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Биринчи инстанция суди И.ни қайд этилган амнистия актига асосан жазодан озод қилиш ўрнига, унга нисбатан Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида жазо тайинлаб, хатога йўл қўйган.

Кассация инстанцияси суди эътиборсизлик билан суднинг хатосини тузатмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 21 октябрдаги ажрими билан И.га чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, суд қарорларининг И.га нисбатан Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, И. Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан тайинланган 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосидан 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан озод қилиниб, Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан тайинланган 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосига Жиноят кодексининг 60, 61-моддалари тартибида Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан алмаштирилган 4 йил 4 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўшилиб, узил кесил ўташ учун 2 йил 11 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланиб, 2011 йил 18 ноябрь кунидан 2013 йил 22 октябрь кунига қадар қамоқда ўтирган ҳар бир куни Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, асосий жазони ўтаб бўлган деб ҳисобланиб, қамоқдан дарҳол озод қилинди.

***ЖСХ-316-13 назорат иши***

